



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 20 декабрь, № 271 (8614)

Чоршанба

Сайтмизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 19 декабрь кунги Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни тантанали топшириш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз кутиб олди.

Дастлаб "Tashkent city" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида халқаро ҳамжамиятнинг коррупция-

га қарши курашиш борасидаги сай-ҳаракатларини ифодаловчи монументнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний иштирок этди.

Тадбирда БМТ Бош қотибининг ёрдамчиси Александр Зуев ва хорижий мамлакатларнинг расмий шахслари ҳам қатнашди.

Кафти очик қўл кўринишида металлдан ишланган ушбу ўн икки метрлик композиция ҳалоллик, пок амал ва ниятларни, коррупцияга нисбатан мутлақ тоқатсизликни, дунёнинг барча мамлакатларини унга қарши

курашишда бирлашишга қақриқни англади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Тошкент шаҳридаги Конгресс марказида

Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Амир Аъло Ҳазратлари! Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Бугун азим Тошкент шаҳрида Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида сизларни кўриб турганимдан беҳад хурсандман.

Янги Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Авваламбор, ушбу тантанали тадбирни юртимизда ўтказиш бўйича таклифлари ва яқиндан кўрсатган кўмаклари учун мазкур нуфузли мукофот асосчиси, кадрли биродарим Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Аъло Ҳазратларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ГИёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманда иштирок этаётган қатарлик дўстларимизни ва улар сиймосида ушбу мамлакат халқини кеча кенг нишонланган Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этаман.

Таъкидлаш ўринлики, Амир Аъло Ҳазратларининг оқилона раҳбарлиги остида сўнгги йилларда Қатар Давлати янгиланиш руҳи билан яшамокда, мамлакатда катта ўзгаришлар амалга оширилди, оламшумул ва буюк ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунга бетакорр Доҳага ташрифим чоғида ўзим шахсан амин бўлдим.

Юксак савияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Кам ривожланган давлатлар бўйича халқаро конференция ва "Экспо Доха — 2023" бутунжаҳон кўргазмаси, қўллаб халқаро ташаббуслар Қатарнинг глобал ҳамкорлик ва дипломатия марказига айланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу ўринда, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар бизнинг фаол мулоқотларимиз натижасида мутлақо янги босқичга кўтарилганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман. Биз биргаликда катта лойиҳаларни бошладик. Бугунги тадбир айнан юртимизда ўтказилаётгани

эса мақсадларимиз уйғун ва ҳамоҳанг эканини энг долзарб муаммолардан бири бўлган коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъсис этилгани ва уни топширишга бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани юксак эътирофга сазовордир.

Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир. Ушбу нуфузли мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган жаҳондаги энг фаол шахсларнинг эътирофи этилиши бундан роппа-роса 20 йил аввал қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга изчил ва тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Башарият тарихига назар солсак, коррупция иллоти ҳатто энг қудратли ва энг кучли давлатларни ҳам жар ёқасига олиб келганига ва тўлиқ пароканда қилганига гувоҳ бўламиз.

Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иктисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин суайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий пугур етказилади.

Тахлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё микросидаги зарари 3 триллион АҚШ доллари яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Аммо, мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилатган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайдим, деб ҳисоблайман. Энг ёмони — жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Мазкур ўткир муаммонинг оқибатларини чуқур англаган ҳолда, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотларни тизимли амалга оширмақдамиз. Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунни қабул қилиб, махсус ваколатли Агентлиқни ташкил этдик. Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошкоролигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни амалга ошириш жорий этилди. Хусусан, барча давлат идораларида комплаенс ва самарадорлиқни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очик маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармок, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўлаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Фарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш тармоғининг Котибияти вазифини бажармоқда.

Ҳар йили Тошкентда анъанавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексига 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзлаганимиз. "Open Data Inventory" рейтингига эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилдик. Очик маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олган.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Демократик ислохотлар ортага қайтмас тур олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимиизга қўяганимиз.

Бу масъулиятли ва муросасиз кураш йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ГИёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ва барча халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликда бор кучимиизни сафарбар этишга тайёримиз.

**Биринчидан**, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этамиз. Давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очик маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берамиз.

**Иккинчидан**, коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларда фаол қатнашамиз. Бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланмоқчимиз.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этишни таклиф этаман.

**Учинчидан**, биз Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлигини кучайтириш орқали унинг салоҳият ва имкониятларини янада оширамиз. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилинади, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" — коррупцион суриштирув институти жорий этилади.

**Тўртинчидан**, онги ва қалби болалиқдан "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифамиздир. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси

дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этишдан манфаатдоримиз.

**Бешинчидан**, коррупцияга қарши курашишдек мураккаб жараёнларда энг олдинги сафларда бораётган оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида қадрлаймиз.

Шу маънода, бизнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш таклифимизни сизлар қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонамиз.

Ҳурматли дўстлар! Мазкур халқаро мукофот билан тақдирланган барча шахслар илк бор бир жойга жамланган ва улар иштирокида ташкил этилаётган Фойлиблар учрашуви ҳам катта аҳамиятга молик воқеалиқдир.

Ўз тараққиёт ютуқларини ва фойдали сарможаларини дунё халқлари билан баҳам кўраётган, коррупцияга қарши курашда гайрат ва шижоат кўрсатаётган Қатар Амирининг глобал даражадаги сай-ҳаракатлари барча бизнинг эзгу интилишларимиз билан бирлашиб, албатта, ўзининг улкан ижобий натижаларини беради.

Ушбу мавзуга бағишлаб ўрнатилган монументдаги коррупцияни тўхтатиш учун кўтарилган очик қўллар каби бугунги анжуманда иштирок этаётган, адолат йўлидаги қатъиятли ва толмас қаҳрамонларимиз қўлларини пок қалб ва виждон амримиз билан маҳкам тутамиз. Олиб бораётган шарафли ишларингизда сизлар билан доимо биргамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, нуфузли мукофотнинг барча совриндорларини чин қалбимдан қизғин табриқлайман.

Анжуманимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга яна бир бор чуқур ташаккур изҳор этаман.

Барчангизга масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, янги муваффақиятлар, бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

### АКС САДО

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҲИЧА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТАҚДИМОТИНИНГ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ ДУНЁДА КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ВА ХАЛҚАРО МУКОФОТ ЛАУРЕАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР САММИТИ ВА ҚАТАР ДАВЛАТИ АМИРИ ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҲИЧА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ ҲАҚИДА.

19 декабрь кунги Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди ва Тошкентда ўзининг ташаббуси билан таъсис этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида қатнашди.

Минтақамиз учун мисли кўрилмаган воқеа сифатида эътироф этилаётган мазкур глобал тадбир хорижий эксперт доиралари вакилларининг юқори қизиқишига сабаб бўлаётди. Шунингдек, халқаро мукофотнинг янги лауреатлари ҳам ўз фикрларини билдирмоқда.



### ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

## МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева 19 декабрь кунги Қатар Давлати Шўро Кенгаши (Маслаҳатлашув кенгаши) бош қотиби Аҳмад Носир ал-Фадала билан учрашув ўтказди.

Таъкидлаш лозим, кейинги йилларда мунтазамлик касб этиб бораётган олий даражадаги мулоқотлар икки томонлама муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим ўрин тутмоқда.

Хусусан, Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг жорий йил 5-6 июнь кунлари юртимизга ҳамда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 1-2 октябрь кунлари Доҳага давлат ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қатар ҳамкорлигининг кенг йўналишлари, шунингдек, парламентларо алоқаларини янада мустаҳкамлаш истиқболлари кўриб чиқилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми ортмоқда, йирик қўшма лойиҳалар тайёрланиб, амалга ошириляпти. Томонлар шундай бўлса, иктисодий кўрсаткичлар, хусусан, ўзаро савдо айланимаси ҳажми икки давлат имкониятларини тўлиқ акс эттирмаётгани, уни бир неча баробарга

ошириш учун салоҳият ва имкониятлар етарли эканини таъкидлаб ўтди.

Бу борада иккала давлатнинг муштарак сай-ҳаракатларини бирлаштиришда парламентларо алоқаларини янада жадаллаштириш ва янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг амалий механизми сифатида ўзаро ташрифлар мунтазамлигини таъминлаш, парламентларо ҳамкорликка оид тегишли ҳужжат лойиҳасини тезроқ ишлаб чиқиб, тасдиқлаш таклифи илгари сурилди.

Учрашув якунида турли халқаро ташкилотлар ва парламент тузилмалари доирасида ҳам ўзаро мулоқотни ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».



# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҚАТОР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари, 40 дан зиёд мамлакатлар делегациялари, шу жумладан, ушбу халқаро мукофот совриндорлари қатнашди.

Кайд этиш лозим, Қатар Амири ташаббуси билан таъсис этилган мукофот билан 2016 йилдан буйён ҳар йили глобал микёсда коррупцияга қарши курашга қўшган ҳиссасининг эътирофи сифатида таниқли жамоат арбоблари, экспертлар ва журналистлар тақдирлаб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларини кутлар экан, Қатар Амири ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гийёҳанд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасига тадбирини ўзбекистонда ўтказиш тақлифи учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон етакчиси бугунги кунда Қатар глобал ҳамкорлик ва дипломатия марказига айланб бораётганини, юксак савияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Кам ривожланган давлатлар бўйича халқаро конференция ва "Экспо Доха — 2023" бутунжаҳон кўргазмаси, қўллаб халқаро ташаббуслар бунинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Давлатларнинг ўртасидаги муносабатлар мураккаб янги босқичга кўтарилган мамнуният билан қайд этилди. Бугунги тадбир ҳам мақсадларимизни уйғун ва ҳаммадан эканининг ёрқин рамзий ифодасидир.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, шиндак билан ўзгараётган дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал мукофотнинг таъсис этилгани ва уни топишига бағишланган маросимлар барча қитъаларда ўтказиб келинаётгани юксак эътироф сазовордир.

— Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу нуфузли мукофот орқали коррупцияга қарши курашишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган жаҳондаги энг фаол шахсларнинг эътироф этилиши 2003 йилда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси талабларини ҳаётга изчил ва тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари коррупция бугун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини буздириш ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсиқлик қиладиган хатарли таҳдид эканини қайд этди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё микёсидаги зарари 3 триллион АҚШ доллари яқин миқдорни ташкил қилмоқда. "Аммо мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайдим, деб ҳисоблайман", деди Ўзбекистон етакчиси.

Бугун Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш жараёнида ҳуқуқий ва институционал ислохотларни тизимли амалга ошираётгани, БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, махсус ваколатли Агентлик ташкил этилган.

Хукумат фаолиятининг очиқ ва ошкорлигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, барча давлат идораларида комплекс ва самардорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очиқ

маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тarmoқ, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Фарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларини қайтариш тармоғининг Котибияти вазифасини бажармоқда.

Ҳар йили Тошкентда аънаваний Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексиде 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнини яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини қўлаганимиз. "Open Data Inventory" рейтингиде эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилди. Очиқ маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олган.

— Демократик ислохотлар ортага қайтмас тус олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Уларга эришиш мақсадида Президентимиз қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Энг аввало, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилади.

Унда давлат идоралари фаолиятининг янада шафдофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва уларда фаол қатнашади. Бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши

курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланилади.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда ўзaro тажриба алмашиш ва мулоқотларни қучайтириш, илмий излашлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлиги қучайтирилади, бу унинг салоҳиятини янада оширади. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилинади, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" — коррупцион суриштирув институти жорий этилади.

Болаликдан "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифа сифатида қайд этилди. БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш тақлифини билдирди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари нуфузли мукофот билан тақдирланганларни дилдан қутлаб, уларга адолатли таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Президенти Қатар Амири билан биргаликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни унинг эгаларига тантанали топириди.

"Коррупцияга қарши курашдаги ютуқлар" номинациясида "Transparency International" халқаро ташкилотининг собиқ раиси Хоце Карлос Угас Санчес Морено (Перу) совриндор бўлди.

"Таълим ва академик тадқиқотлар" номинациясида Сингапур Миллий университети собиқ профессори Джон Куа (Сингапур) ва Загреб университети профессори Сунчана Роксандич (Хорватия) гoлиб бўлди.

"Коррупцияга қарши курашишда ёшлар ижоди ва фаолиги" учун мукофотлар "Youth4IntegrityBuilding" нодавлат ташкилотига (Кения) — директор Дамарис Асвега ҳамда "All4Integrity" нодавлат ташкилотига — асосчиси Андре Корреа Д'Альмейдега топириди.

"Инновациялар ва журналистик суриштирувлар" номинациясида суриштирувчи мухбир Клер Рюасл-Браун (Буюк Британия) ва Буюк Британия Халқаро тараққиёт вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлимининг собиқ раҳбари Фил Мейсон совриндор бўлди.

"Спортни коррупциядан ҳимоя қилиш" номинациясида мукофотларга журналист ва "BBC" бошловчиси Вай-хига Мваура (Кения) ва "Central European News" ахборот агентлиги муҳаррири Шантану Гуа Рэй (Ҳиндистон) муносиб топилиди.

Тантанали маросимдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ўрашув ўтказдилар.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Амир ҳамда дўст Қатар халқини миллий байрами — Мустанқиллик кунини билан самийий қутлади.

Қатар Амири, ўз навбатида, Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топириш маросими юқори савияда ташкил этилгани ҳамда кўрсатиллаётган илқ мехмондўстлик учун мамлакатимиз етакчисига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражаларда фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мам-

нуният билан қайд этилди. Жорий йилда Тошкент ва Доха шаҳарларида икки мамлакат дипломатик ваколатхоналари очилди. Узaro савдо ҳажми ошмоқда, Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик лойиҳалар бошланди.

Учрашувда янги қўшма инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, "ашил" энергетика, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилмани ривожлантириш, банк-молия, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм соҳаларида илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт ва логистика борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш йўллари кўриб қилинди. Хусусан, Қатар томони Трансафрон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

2024 йилда Доха шаҳрида қўшма Ҳукуматларо комиссия ва Ишбилармонлик кенгашининг биринчи йиғилишларини, икки мамлакат бизнес форумини ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар келгуси йилда маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Эришилган келишувлар ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қатар етакчилари икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари даражасида Мувофиқлаштириш кенгаши тузиш лозимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда БМТ шафелигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТАҚДИМОТИНИНГ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРИ ДУНЁДА КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

**Игорь ШЕСТАКОВ, сиёсатшунос (Киргизистон):**

— Ўзбекистонда давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш Марказий Осиё мамлакатлари учун намуна бўлиши мумкин, чунки 2017 йилдан бошлаб мамлакатда амалдорлар томонидан хизматга оид ҳуқуқбузарликларни камайтиришга қаратилган туб ислохотлар бошланди.

Ўзбекистон 6 йил давомида етакчи халқаро ташкилотларнинг баҳо ва рейтингларида бундай жонотларни камайтириш бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллаб келаётгани беҳиз эмас. Бу шунчаки республикада коррупцияга қарши тизимли кураш олиб бораётганидан далолат беради. Маълумки, коррупция иқтисодий соҳага, иқтисодийга тўзатиб бўлмайдиган зарар етказиши, потенциал хорижий инвесторларни кўрқитади ва кўпинча давлат идораларини обрўсулантиради.

Шу муносабат билан Тошкентда Коррупцияга қарши кураш бўйича юксак халқаро мукофотни топириш маросимининг ўтказилиши Ўзбекистоннинг бу борадаги юксак натижаларидан далолат беради.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш модели ҳақида гапирганда, мамлакатда давлат органларини рақамлаштириш амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, фуқаролар мурожаат қилишлари мумкин бўлган халқ қабулхоналарини жорий этиш амалиёти ҳам ўзини оқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида нафақат мамлакат ҳукумати томонидан бугун амалга оширилаётган тадбирлар ва қарорларга, балки ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Давлат келажаги ана шу омилга боғлиқ бўлиб, кўриб турганимиздек, у тўғри йўналишда ва мавжуд қўнчилик доирасида ривожланишга интиломоқда.

**Муҳаммад Реза Абеш АХМАДЛУ, "Iran Daily" газетаси мухбири (Эрон):**

— Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Қатар ўртасида ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтириш жараёни қузатилмоқда. Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг шу йил 5-6 июнь кунлари Самарқандга ташрифи ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 1-2 октябрь кунлари Дохага жавоб ташрифи, шунингдек, доимий дипломатик ваколатхоналар очилгани икки давлатнинг кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истаги юқори эканини кўрсатади.

Ўзбекистон ва Қатар ўзарo савдонини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Коррупцияга қарши курашиш, иқтисодийни модернизация ва диверсификациялаш бўйича тажриба алмашиш, энергетика, қимм саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, туризм, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан икки давлат ҳам манфаатдор.

Шунингдек, коррупция глобал муаммага айланган бугунги дунёда унга қарши қатъий кураш олиб бораётган давлатлар билан ҳамкорликка интилиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиши бу борадаги ўзгаришлардан далолатди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Дохага ташрифи доирасида Ўзбекистон Коррупцияга қарши



Игорь ШЕСТАКОВ

курашиш агентлиги ҳамда Қатар Маъмурий назорат ва шафдофлик департаменти ўртасида ўзарo англашув меморандуми имзоланди. Бу коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Шу нуктага назардан, Ўзбекистонда Қатар Давлати Амири ташаббуси билан таъсис этилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топириш маросими бўлиб ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман. Тантанали маросимнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистон Президенти томонидан сўнги йилларда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилган улкан ишлар, умуман, ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилишининг ёрқин далилидир.

**Рой Энтони РОЖЕРС, Малая университети қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринбосари (Малайзия):**

— Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг Тошкентдаги навбатдаги учрашуви савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қўшма суръат бағишлади, шубҳасиз. Ҳар икки давлат ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзарo тажриба алмашиш ва қўшма таълим дастурларини амалга оширишдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Ташриф муҳим халқаро воқеа — Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимига ҳам тўғри келгани кувонарли.

Тадбирнинг ўтказиш жойи сифатида Ўзбекистон танлангани беҳиз эмас. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг ийобий динамикаси қузатилляпти. Сўнги бир неча йил ичида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши самарали курашиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Хусусан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, тегишли агентлик тузилиб, барча давлат идораларида мувофиқликни назорат қилиш ва самардорлик рейтингини тизимлари йўлга қўйилди, давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Ўзбекистон раҳбарининг коррупцияга қарши курашга бағишланган муҳим тадбирда билдирган тақлифларини долзарб, деб биламан. Улар орасида 2030 йилгача коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш, Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумини ўтказиш тақлифларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ишончим комилки, мазкур ташаббусларнинг амалга оширилиши миллий, минтақавий ва глобал микёсда коррупцияга қарши курашга муҳим ҳисса қўшади.

**Энди НГУЕН, "CPG Corporation" корпорациясининг бизнесини ривожлантириш бўйича вице-президенти (Сингапур):**

— Ушбу ташрифнинг ўзига хослиги ва стратегик аҳамияти янги алоҳида таъкидлаш керак. Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга иккинчи марта амалга оширган мазкур ташрифи икки давлат ўртаси-

даги ўзарo муносабатлар тобора ривож топиб бораётганидан далолат беради.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимига Қатар Амирининг иштирок этиши халқаро майдонда ошкоралик ва адолат тамойилларини илгари суришдан илқ давлат ҳам манфаатдор эканини тасдиқлайди. МДХ ҳудудида илқ бор ўтказилаётган ушбу тадбир Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро сиёсатдаги муҳим иштирокчи сифатидаги ролини ҳам таъкидлайди.

Мамлакатлар ўртасида имзоланган қўллаб-қувватлаш ҳужжатлари алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорликка янги даврни бошлаб, қўшма лойиҳалар учун истиқболларни очмоқда.

Икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми маданий ва гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорликдир. Масалан, Қатарда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кўнари ўзбек маданиятининг бойлиги ва ранг-баранглигини намоиш этади, шунингдек, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу ташриф ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтган тадбирлар Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлиб, бу икки мамлакатда иқтисодий ўсиш ҳамда сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Хоце Карлос Угас Санчес МОРЕНО, "Коррупцияга қарши курашдаги ютуқлар" номинацияси гoлиби (Перу):**

— Ўзбекистон сўнги бир неча йил ичида "Transparency International" рейтингини 42 поғонага кўтарилди, 2030 йилга бориб эса яна 50 поғонага кўтарилиш режалаштирилган.

Тошкентда ўтказилган Коррупцияга қарши кураш бўйича юксак халқаро мукофотнинг тақдироти Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини тасдиқлади. Коррупцияга қарши курашда мамлакатда тизимли ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазсул шахслар ҳамда тузилмалар фаолиятининг очиқлиги ва шафдофлигини таъминлашга қаратилган профилактик механизмлар амалиёти кенг жорий этиляпти, давлат хизматлари кўрсатилиши бюрократия камайлмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар эса коррупция ҳолатларининг камайишига муҳим омил бўлаётди.

**Шантану Гуа Рэй, "Спортни коррупциядан ҳимоя қилиш" номинацияси гoлиби, "Central European News" ахборот агентлиги муҳаррири (Ҳиндистон):**

— Бугун ушбу мукофотни олганимдан жуда мамнунман. Бу катта шарафдир. Чунки журналистлар қўлга кирита оладиган халқаро мукофотлар унчалик кўп эмас. Ушбу мукофот меҳнатимнинг эътирофини ифодалайди ва ҳаётимизнинг барча жабҳасида коррупцияни йўқ қилишга қарши машаққатли ишимни давом эттиришимга куч бағишлайди.

Ана шу тинимсиз кураш рамзи сифатида Тошкентда порохўрликка чек қўйиш учун кўтарилган очиқ кафтини ифодаловчи ушбу мавзуга бағишланган монументнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир инсоннинг бурчи.

даги ўзарo муносабатлар тобора ривож топиб бораётганидан далолат беради.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимига Қатар Амирининг иштирок этиши халқаро майдонда ошкоралик ва адолат тамойилларини илгари суришдан илқ давлат ҳам манфаатдор эканини тасдиқлайди. МДХ ҳудудида илқ бор ўтказилаётган ушбу тадбир Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро сиёсатдаги муҳим иштирокчи сифатидаги ролини ҳам таъкидлайди.

Мамлакатлар ўртасида имзоланган қўллаб-қувватлаш ҳужжатлари алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорликка янги даврни бошлаб, қўшма лойиҳалар учун истиқболларни очмоқда.

Икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми маданий ва гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорликдир. Масалан, Қатарда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кўнари ўзбек маданиятининг бойлиги ва ранг-баранглигини намоиш этади, шунингдек, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу ташриф ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтган тадбирлар Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлиб, бу икки мамлакатда иқтисодий ўсиш ҳамда сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Хоце Карлос Угас Санчес МОРЕНО, "Коррупцияга қарши курашдаги ютуқлар" номинацияси гoлиби (Перу):**

— Ўзбекистон сўнги бир неча йил ичида "Transparency International" рейтингини 42 поғонага кўтарилди, 2030 йилга бориб эса яна 50 поғонага кўтарилиш режалаштирилган.

Тошкентда ўтказилган Коррупцияга қарши кураш бўйича юксак халқаро мукофотнинг тақдироти Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини тасдиқлади. Коррупцияга қарши курашда мамлакатда тизимли ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазсул шахслар ҳамда тузилмалар фаолиятининг очиқлиги ва шафдофлигини таъминлашга қаратилган профилактик механизмлар амалиёти кенг жорий этиляпти, давлат хизматлари кўрсатилиши бюрократия камайлмоқда. Ушбу саъй-



Учрашув

САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши доимий қўмитаси раиси ўринбосари Чжан Цинвэй билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг кенг доираси, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалар бўйича ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатлар ўртасидаги алоқалар дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик асосида ривожланиб бораётгани, олий даражадаги фаол сиёсий мулоқот тўғрисида 2023 йил Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тарихида муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланди.

Сўнгги беш йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баравар ўсиб, 9 миллиард доллардан зиёдига ташкил этди. Бу даврда Хитой сармоясига ҳажми беш, компаниялар сони эса уч баробар ошди.

Мулоқот давомида биргаликда инновацион ва технология куватларини яратиш, хусусан, автомобилсозлик, "яшил" энергия, "ақли" қишлоқ ҳўжалиги, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасида фикр алмашилди.

Ўзаро муносабатларнинг яна бир муҳим йўналиши — минтақаларо ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўзига амалга оширилган ташир-фуқот натижасида умумий қиймати 3,5 миллиард долларлик 100 дан ортиқ сармоявий битим ва шартномалар бўйича келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик, биринчи навбатда, таълим, фан ва технология, маданият ва туризм соҳаларини янада ривожлантириш лозимлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Томонлар чуқур ва ўзаро манфаатли шериклик асоси сифатида икки мамлакат парламенти ўртасидаги ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлаб, бу йўналишда кейинги йилларда фаоллик кузатилаётгани, шунга мос равишда муносабатларни амалий лойиҳалар билан янада бойитиш лозимлигига тўхталиб ўтилди.

Икки мамлакат ўртасида эришилган олий даражадаги келишувларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш ва бу жараёнда парламентларо дўстлик гуруҳларининг мувофиқлаштирувчи сифатидаги ролини янада оширишга эътибор қаратиш зарурлиги ургуланди.

Уз навбатига, парламент делегациялари таширфуқотлари фаоллаштириш, қўшама тадбирлар ўтказиш, маҳаллий бюджетлар ихроси устидан парламент назоратини амалга оширишда ўзаро таърибга алоҳида эътибор қаратиш, "яшил" иқтисодиётга ўтиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш каби йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши доимий қўмитаси раиси ўринбосари Чжан Цинвэй Олий Мажлис Сенатининг фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдириди.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Хитой Халқ Республикаси Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши доимий қўмитаси раиси ўринбосари Чжан Цинвэй бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.



Унда делегация аъзоларига "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазирликлар, унинг доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янги таърирларда Конституция нормаларини рўйбга чиқариш борасида қилинган ҳаракатлар ҳамда Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрафли маълумот берилди.

Уз навбатига, Чжан Цинвэй сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозаанатли, очик ва конструктив ташқи сиёсат халқро ҳамжамият томонидан юқори баҳолаётганини алоҳида таъкидлаб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омили бўлган парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш ҳар томонлама фойдали эканини қайд этди.

Шунингдек, бугунги геосиёсий ва геостратегик мураккаб вазият минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг тақозо қилаётгани, бу йўлда икки мамлакатнинг узвий ҳамкорлиги устувор аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Чжан Цинвэйнинг фикрича, икки давлат тараққиётининг муҳим босқичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ислохотларни жадал ривожлантиришга қаратилган ишлар муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон минтақадagi иқтисодиёти йирик мамлакатлардан бири эканилиги, бу яқли ички маҳсулотнинг ўсишида ҳам ақвол намён бўлаётгани учрашувда алоҳида эътибор этилди.

Конституция руҳида ўтган учрашувда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги парламентларо алоқаларни кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида таърибга алоҳида эътибор қаратишга қаратилган ишлар муҳим ўрин тутди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, транспорт-коммуникация, туризм ва бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари хусусида ҳам сўз юритилди.

Учрашувда томонлар парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИГА СОДИҚЛИгини ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАДИ

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи глобал муаммодир. У бутун инсониятга, жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба беради, қонун устуворлигини бузади ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сустайтиради.

Фикр

Шу боис мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда ушбу йиллатта нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Утган давр мубайнида 3 та давлат дастури (2017, 2019, 2021 йиллар) қабул қилиниб, ўз вақтида ихроси таъминланмоқда.

Кейинги йилларда давлат органлари фаолиятини очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди, ушбу соҳада қонунчилик асослари тақомиллаштирилди.

Мамлакатимиз ушбу ўткир муаммонинг оқибатларини чуқур аниқлаш ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли халқро тузилмалар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Шунингдек, ушбу йиллатта қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тизимли амалга оширилди.

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва мақсуд вақолати агентлик ташкил этилиши бу борада ташланган муҳим қадам бўлди.

Қолаверса, Ҳўкумат фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда маъсулиятини ошириш, бюрократияни камайитириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг жорий этилди.

Айни чоғда давлат идораларида комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўғрисида рақамлаштирилди. Шунингдек, ҳар йили Тошкентда айнавий халқро ақсилкоррупция форуми ўтказиш келинляпти.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексида 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақимизда энг юқори ўринни эгалламоқда.

Янги таърирларда Конституциямизнинг 93-моддасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги вақолатларига Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани аштиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини, халқро рейтинг ва индексларда ўз маъкеини сезиларли даражада яқши-

лаётгани халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётди. Кеча Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ташаббус билан таъсис этилган Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқро муқофотни топишириш маросими айнан юртимизда ўтказилгани Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш борасида олиб бораётган ишларнинг ақвол натижаси, десак, мулобола эмас.

2016 йилдан буён глобал миқёсда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли тадбир Австрия, Швейцария, Малайзия, Руанда, Тунис ва Қатар давлатлари меъзолилик қилган.

Ушбу халқро муқофот ҳар йили Халқро коррупцияга қарши кураш кунига ушбу йиллатта қарши глобал кампанияга қўша қўшганларни эътироф этиш ва қадрлаш мақсадида топирилади. Муқофот коррупцияга қарши курашда муҳим ўрни ўйнаган шахслар ва ташкилотларга берилади. Муқофотнинг асосий мақсади — нафақат глобал миқёсда коррупцияга қарши курашиш соҳасида намунали ва эътиборга молик ҳаракатлар, илғор амалиётларни намоиш ва эътироф қилиш, балки бутун дунё бўйлаб коррупцияга қарши кураш моделларини ўрганиш, таърибга алоҳида, тарғиб этиш ва хабардорликни оширишдан иборат.

Президентимизнинг ушбу нуфузли тадбирда қатнашгани ҳамда қатор аниқ тақриф ва амалий ташаббусларни илғори сургани дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ва қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "онги ва қалби болаликда "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган янги авлоднинг қамолга етказиш устувор вазифасидир. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этишдан манфаатдоримиз" деган сўзлари муҳим қауриқлардан бири бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегиянинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, ҳисобдорлигини ошириш, очик маълумотлар тизимини тақомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига алоҳида уруғ берди.

Умуман оғанда, ушбу нуфузли тадбирнинг юртимизда ўтказилиши Ўзбекистон коррупцияга қарши кураш бўйича ўзининг халқро мажбуриятларига қатъий содиқлигини ва бу борадаги ҳар қандай халқро ҳамкорлик учун очиклигини яна бир бор исботлади.

Нодир ТИЛВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ЁШ ВА ТАШАББУСКОР ХОДИМЛАР ИШОНЧИМIZНИ ОҚЛАМОҚДА

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшларнинг истеъдоди ва қобилияти, эзгу интилишларини рўйбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятни яратиш бериш бош мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Кадрлар салоҳияти

Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим ушбу йўналишдаги вазифалар асосида Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги вазири раислигида ёшлар билан ишлаш дастури қабул қилиниб, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида соҳада инновацион, замонавий ва рақамли технологияларни жорий этиш салоҳиятига эга иқтисодлар ва ташаббускор ёшларга таълимнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Сўнгги йилларда вазирлигимиз тизимида бошқарув аппаратини истиқболли ходимлар билан янгилаш, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида ёш олимлар салмоқини ошириш борасида аниқ мақсадли чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган изчил фаолият тўғрисида кейинги йилларда тизимдаги давлат хизматчиларининг ўртача ёши 13,4 ёшга ёшарди. Агар, фан ва таълим соҳасида илмий салоҳият 10 фоизга ошиб, уларда фаолият юритаётган илмий ва

илмий-педагог ходимларнинг ўртача ёши 12 ёшга ёшарди. Вазирлик ва унинг тизимидаги республика ва ҳудудий даражадаги ташкилотлар бошқарув аппаратида фаолият юритаётган 35 ёшгача ходимлар жорий йил бошида 5 минг 901 нафарини, ходимлар умумий сонидан эса уларнинг салмоғи қарийб учдан бирини ташкил этди.

Ушбу жараёнлар йилдан-йилга фаолилашиб боришини назарда тутган ҳолда дастурда, шунингдек, ёш ходимларнинг малака ва таърибасини оширишга қаратилган қатор тадбирларни ундаш кўзда тутилди. Жойларда "Устоз — шогирд" анъанасини давом эттириш билан биргаликда илм-фан ютуқлари, илғор хорижий таърибга ва технологияларни ўрганиш уларнинг касбий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-сиёсий билимларини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда соҳанинг 400 га яқин ходимлари хорижий хизмат саноатига юборилиб, ўз фаолият йўналишлари бўйича илғор давлатлар таърибасини ўрганиб келди. Мамлакатимизда ўтказилган 14 та халқаро кўргазмада соҳанинг уч мингта



қин ходимлари қатнашиб, инновацион гоғлар, янги технологиялар билан танишиш, хорижий ҳамкасблар билан таърибга алоҳида.

Вазирлик тизимидаги бошқарув аппарати, жумладан, ёш ходимлар учун "Касбий маърифат соатлари"ни ўтказиш жорий этилди. Уларни назарий ва амалий жиҳатдан зарур савияда таърибга мақсадида юқори малакали мутахассислар, илмий ва педагог ходимлар жалб қилинди. Вазирлик ва Тошкент давлат аграр университетининг медиа-марказлари томонидан 46 та мавзу бўйича марказлашган ҳолда видеодарслик таъриблариди ҳамда вазирлиқнинг масофавий ўқитиш тизимида жойлаштирилди. Уларда, асосан, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар мазмун-моҳияти, соҳа ва унинг тармоқларини ривожлантириш борасидаги вазифалар, яратилаётган имтиёз ва имкониятлар, шунингдек, ходимларнинг умумкасбий билимларини оширишга қаратилган мавзулар ёритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар ҳамда Давлат хизмати

ни ривожлантириш агентликлари, Давлат бошқаруви академияси Бирлашган Араб Амириклари Бош вазири офиси билан ҳамкорликда "Government Quality Award" — Ўзбекистон Республикаси давлат органлари самарадорлиги муқофотига бўлиб ўтган 9 босқичли танловда вазирлигимиз ходимлари фаол қатнашди. Унда кўзда тутилган йўналишлар қаторида кадрлар, хусусан, ёш ходимлар билан ишлашга ҳам эътибор берилиб, вазирлигимиз 7 та номинация бўйича совринли ўринларга лойиқ деб топилди. "Ўзбекистоннинг давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш" дастурининг биринчи йўналиши — "Намунали вазирлик номинацияси" бўйича фахрлий 2-ўринни эгаллашимиз фаолиятимизни янада тақомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, ёшларнинг замонавий билим ва малакаларини ошириш, истиқболли ва иқтисодли ёш ходимларини аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда "Ёшлар ва инновацион қишлоқ ҳўжалиги", "Истиқбол умидлари" танловлари ўтказилди. Уларда мулқар гоғли деб эътироф этилган жамоалар ўз фаолият йўналишлари бўйича илғор таърибга эга хорижий давлатларнинг бирдига малака олириш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланиши белгилаб қўйилди. Жумладан, жорий йилда "Ёшлар ва инновацион қишлоқ ҳўжалиги" танловда гоғли бўлган Тошкент давлат аграр университети талабалар жамоаси Италия пойтахти Рим шаҳрида БМТнинг Озёк-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти бош қароргоҳида 16 — 20 октябр кўнлари бўлиб ўтган Бутунжаҳон Озёк-овқат форуми ҳамда унинг доирасида ўтказилган 3 та халқаро анжуманда иштирок этди.

Соҳада инновацион ва замонавий ресурстежамкор ҳамда юқори самарали технологияларни жорий қилишда хориждаги олий ўқув юрларида таҳсил олган 365 нафар, жумладан, ташаббускор ва интилувчан 117 нафар ёш ходимнинг фаолияти катта аҳамият касб этмоқда. Улар билан елкама-елка иш юритаётган тенгдошлариди замонавий дунёқараш, эркин фикрлаш қобилияти ривожланиб бораётгани эса ибратга лойиқдир. Бу эса давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижаси, десак, сира мулобола бўлмайдди. Зеро, унги Ўзбекистонни барпо этиш, унчини Ренессанс пайдоверини яратишдек унги мақсадини зиммамизга олма эканмиз, албатта, бунда ёшларга, навқирон ўғил-қизларга сўянмиз. Улар қанчалик билимли ва салоҳиятли бўлса, кўзлаган эзгу мақсадимизга тезроқ етамиз.

Эширза АБДУАЛИМОВ, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вазирининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тилини жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси.

НУҚТА НАЗАР

ХАЛҚИМИЗНИ ОЙДИН ЙЎЛГА БОШЛАГАН МАШЪАЛА

Ўтган асрда Ватанимизнинг мустабиллар зулмидан озод бўлишини истаган, эрк, ҳуррият учун курашган халқимизнинг қалби уйғоқ фарзандлари — жадидлар хотирасига бугун юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Уларнинг мақсад ва гоғлари, бебаҳо мероси ўқиб-ўрганилмоқда, зарур ҳулосалар чиқарилмоқда.

Пойтахтимизда "Жадидлар: миллий ўзлиқ, истиқлол ва давлатчилик гоғлари" мавзусида ўтказилган халқро конференция бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган мурожаати маъзур тадбирнинг нуфузини, кўламлидорлигини, натижадорлигини янада оширди.

Ушбу мурожаатда таъкидланганидек, ўз моҳияти эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик гоғсининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўпба тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзлиқ хослигини, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрафлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бинобарин, миллатимиз оидинлари тарихини, ҳаёти ва фаолиятини ўрганишимиз сари улар умри беҳуда ўтмаганлиги аниқлашади, юракларимизнинг бир четини тирнаётган армонлар таскин топонганд бўлади. Руҳан тирки жадид аждодларимизнинг аламли дардлари, авлодлар томирлариди оқаётган васиятлари, тилларда қотиб қолган Ватан ҳасратлари ҳаёллардан тасвирларга, ўйлардан китобларга кўчаверади... Йиллар ўтса ҳамки, миллий ўзлиқ, озод миллат, мустақил юрт, тараққиётпарвар мафкура ҳақиқати ёлқинланаверади.

Тўғри, собиқ иттифоқ даврида жадид болаларимизнинг қабрлари йўқотилган, излари ўчирилган. Лекин уларнинг эзгу номи халқимиз қалбидан ўчб кетмади. Аксинча, маърифатга ташна, аҳдидан қайтмайдиган жадидчи издошлар қамолга ета-

верди. Жадидона адабиёт хазинаси талпиниб ўқилаверди...

Жадидлар миллатнинг юрагиди яшаб келаётганининг асл сабаби — илм ёдусига ташна туркий дунёга чироқ тутган "Эл-да, фирда, ишда бирлик" деган эзгу гоғ билан майдонга чиққан тараққиётпарварлар шу халқнинг болалари тақдирини ўйлади, миллатнинг эртасини кўзлади. Жаҳолатдан олиб чиқувчи йўлни таълимда, мактабларда, театр ва кутубоналарда кўра олди. Энг оғир тузум тебранишларида ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбориш, маърифат улашиш мақсадида ёнди. Жадидларнинг гоғлари миллий ўйғониш, миллий мафкурани тиклаш йўлида қудратли кунга айлиниб, жамиятни тўлқинлантириб юборди.

Жадидлар ўзандан тошган ва терс оққан дарё, кишанга тоқатсиз эрлар, миллатнинг қирқан қони, маърифатнинг жаҳолатдан халқумга қелган жонидир. Улар — Ватан моҳиятидан изланган саволларнинг "янги" садоси, бағри нидога тўлган она Туркистоннинг қароғи остига оққан қўз ёшлари, шу юртинг ўзлиги, янги Ўзбекистоннинг илдиз томирларидир. Улар — ҳаёт деб аталмиш неъмат қиммати, инсон шаъни ва унинг ҳурмати, миллат ва Ватанга муносиблик не эканини аниқлаш учун дунёга қелган ибратларидир. Жадидлар биз пайдоверини кураётган унчини Ренессанснинг илк бунёдкорлари, мустақиллик мафкураси асосчилари, қатагонлар қайирган



куч, бир аср олдин панжаралар ортига берилган тараққиёт парварларидир. Мустабил тузумга сиғмаган, ўз янги оламига, ўз мафкурасига эга бу инноваторларнинг мақсадлариди миллатнинг қалб кўзини очиш, Туркистон ақлининг тараққиёт кўнларига эришиш, ўқимишли миллий кадрлар орқали дунёга чиқиш, маърифат ва маданият асосига эркин фуқаролик жамияти барпо этишда эзгуликлар устувор эди.

Тараққиётдан ортада қолган мамлакатни, таълим ва маорифни ислох қилиш, янгилаш учун бел боғлаган, "ахтиёжи миллат" дардида "бу кетишини охири ямондир, ўқумок, ўқутмоқ керакдир..." дея изтироб чеккан Беҳбудий бизнинг бугунки миздан қатлга қадар умид узмади. Атоқли шоир ва "усули жадид" маорифининг илғор етакчиси Муҳаммадшариф Сўфизоданинг

"Беҳора она бўлғувчи қобила қизлар, Нозик қўлига олмай ўтар хома ва дафтар..." дея миллат қизларининг илм-фан эгаси бўлишлари учун қайғуришлари Туркистон элига тарқалди.

ча қарашлар билан 75 ёшида ҳам "қатагон машинаси" эгаларини ваҳимага солган Ибра:

"Ўқингиз, илми ҳикмат сизга, бу иш катта ибратдур, Агар илм ўрганурсиз, барча ишда сизга нусратдур"

дея бонг ураркан, халқ йўлига гуё машъала тутди. Миллий мактаб яратиш, янги авлоднинг воғга етказиш иштиёқиди мардонвор қадам ташлаган, оташин нуқтарини билан халқнинг гурурини уйғотган, моҳир педагог Мунаввар қорининг энг таҳликали даврда ҳам "Ўзбек зиёли болаларини Германияга юбориб ўқитишга мутоҳажим. Болалар ўқиб, илм билан таҳсил қилиб келсалар, миллатга катта хизмат қила оладилар", дея одамлар қалбиди келажак шабини ёқиш ҳамон илм аҳли юрагини ўртаб юборди. Бунданда улғ, бунданда буюк иш борми миллат учун? Не шарафки, жадидлар қўёш каби шундай яралган эди, жисму жонларида шундай фидойилик собит эди.

Шу даврининг яна бир ёрқин юлдузи, ўзбек халқининг қомусий олимши, шоир, носир, ўткир публицист ва драматург Абдурауф Фитрат ҳам юрт қамрагини ўз дарди деб билди. У миллий тараққиётнинг "Ўзбекча" модели учун изчил кураш олиб борган ва давлат тузумини саҳна орқали фоз эта олган мардонвор жадиддир.

"Ўз йиллардан бери қаюб кўруб, ғам чекиб қелган туркининг қонли кўз ёшларини этакларинга тўжарга қелдим. Қоронғуликлар ичра ёдусиз қолган Ўзбек кўзлари учун тулронингдан



# ЯХШИ ОДАМЛАР — ЯХШИ ШИФОКОРЛАР

## БЕМОР ҲАМ, ТИББИЁТ ҲАМ ШИФО ИСТАЙДИ



Гап шундаки, менинг турмуш ўртоғим, қирқ йиллик қадрдоним Зулайҳо 2003 йилдан бери қандли диабет касаллиги билан оғрийди. Аниқроғи, Зулайҳонинг шу касалга чалинганини 2003 йили билганмиз, ўшандан бери тинимсиз даволанади, аммо... Эркин Турсунов исм-шарифли шифокор акаимиз айтдики:

— Қандли диабетнинг ўзи ҳеч нарса эмас, уни парҳез ҳисобига меъёрда сақласа бўлади, аммо унинг асоратлари жуда ёмон кечади. Бу касаллик инсон организмининг тинимсиз емириб бораверади. Аниқса, бирон жойингизни заифлаштириб олса бўлди, бутун зарба кучи ўша ерга урилаверади, урилаверади... Бу жудаём ёмон...

### Долзарб мавзу

— Бизда касалхоналар кўп, аммо шифохоналар кам. Жудаём кам, — деган эди бир чиқишда машҳур қизикчи Аваз Охун.

— Мен хусусий клиника очганда бунақа ташкилот Жиззахда бор-йўғи тўртта эди, ҳозир қирқ тўрттага етди ва тинимсиз болалаб борапти. Шу сабабли мен ўз клиниканимни етдим, — деган эди шоир ва шифокор дўстим, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мирза Даврон 2021 йили. Демак...

Бизнинг мақур мақоламиз шу ҳақда. Худодан яшира олганимизни бандасидан яшириб олима қилдик. Турмуш ўртоғим 2000 йилдаёқ цистит касаллигига чалинган эди. Бундан ташқари, бавосир (геморрой) билан ҳам оғриган. Уни 2006 йили операция йўли билан олдириб ташлаганимиз. Менга саккиз фарзанд — саккиз қизни туғиб, вога етказиб берган гўзал Зулайҳони қирқ ёшдан кейин касалликлар мутлақо тинчитмай қўйди. Қандли диабет, цистит, геморрой устига фарингит деган томоқ оғриғи ҳам ўз исканжасига олди. Бу касалликлар одамни бутун умри давомида таъқиб қиларкан. Улардан тубалти кетиш амримаҳол экан. Оилави топиш-тутишимиз ёмон эмасди. Касалликларни даволаш учун харажатларга ҳаммиса етарли даражада пулни қийналмай топганмиз. Касалликларни даволаётганимиз.

...Зулайҳо билан 1984 йили турмуш қурган бўлсак, ўшанда у совик иттифок Олий Совети депутати, комсомол ёшлар бригадаси бошлиғи эди. Ўз бригадасиде, керак бўлса, механизаторлик ҳам қиларкан, ҳар йили кузда пахта териш машинасига ўтириб, пахта терарди. Зулайҳо жуда бақувват, соғлом эди. Қорли, қировли кунлари мен бир неча қават иссиқ кийим кийиб, ўраниб ўтирганимиз у энгил қўйлақда ташқарида кир ювар, молхонага ўтиб, сигир соғиб келар, қуви пишар, ҳовли юмушларини бажарар ва асло чарчамасди. Ошхонада газ плита бўлатуриб, ҳовлида, ўнқода оқват пишаришни яхши кўрар, бундай таомнинг тами бошқача бўлади, дерди.

Зулайҳо ҳақ эди. Муस्ताқиллик йиллари биринчилардан бўлиб, Зулайҳо бош бўлган бригада базасида 73 гектар ерда мустикал дехқон-фермер хўжалиғи ташкил этдик. Фермер хўжалигининг ўз дала шийпони, дала ишларини амалга ошириш учун барча зарур техникаси етарли эди. Ер ҳайдашдан тортиб, бутун мавсум давомида барча амалга оширилиши талаб этиладиغان дала ишлари учун зарур бўлган асбоб-уқунларимиз бор эди. Бировга техника илтимос қилиб бормасдик. Шу сабабли ҳам топиш-тутишимизда барака бор эди.

Аммо тинимсиз турмуш ташвишлари, аинқиса, цистит касаллиғи Зулайҳони қирқ ёшдан сўнг тобора ўз исканжасига ола борди. 2010 йиллардан сўнг ҳар олти ойда бир марта вилоят эндокринология касалхонасида ўн кун даволанадиган бўлди. Ўшанда биратўла циститга ҳам даво изларди, шифокорлар дорини ёзиб берар, турмуш ўртоғим уни касалхонада, кейин уйда ҳам қабул қиларди. Цистит бошга битган бало экан. Туғаётган аёлларнинг аксарияти бу касалликка мўтабало бўларкан. Аинқиса, қандли диабетга чалинган аёлларнинг циститга чалиниши жуда хатарли экан. Бир кунни Жиззахдаги тўйдан қўшни аёллардан бири менинг машинада бирга қайди ва уйигача етказиб қўйишимни илтимос қилди. Етказганимиз, ҳеч нарсага қарамай, машинадан тушиди-да, қўйлагини кўтарганча, уйи орқасидаги хожатхонасига шошилди...

Цистит ана шунча ёмон экан. Хуллас, қандли диабет аксарият аёлларда цистит келтириб чиқараркан, цистит эса...

2019 йили Мирзачўл тумани маркази — Гагарин шаҳридаги санаторийда эрхотин бирга дам олдик, ўша ердаги бир шифокор Зулайҳога уролог шифокорига учрашишни тавсия қилди. Айтишчи, сийдик қолида яра бор эмиш. Уни тезроқ даволаш керак, аввланишига йўл қўймаслик зарур, деди. Нархи-бери даволаниб ҳам юрдик, аммо... Чини билан даволаниш зарурлигини тушуниб етганимизда 2020 йилнинг апрели, яъни пандемия бошланган, барча йўллар, шифохоналар ёпилган, ҳеч ким дардингни эшитмайдиган, зорингга қулқос оймайдиган давр бошланган эди. Жиззахга кириб-чиқишнинг ўзи ҳам муаммо эди. Кириш-чиқишга бетон тўсиқлар қўйилиб, ҳарбийлар жанговар автоматлари билан ҳар бир автотомобилни текшираётган давр эди. Яна ўша Аваз Охун айтмоқчи, гўёки бетон тўсиқ пандемияни қайтариб қоладиغانдек, шунчақ қоралар қўйлаган эдик.

Ониги, вилоятимиз маркази Жиззахга кирганингиз билан касалхоналар ёпиқ эди. Борсангиз, қабул қилмасди. Вилоят тез тиббий ёрдам маркази дарвозасиде бизни ичкарига киритишмади. Илоҳ тополмай турганимизда бир киши Жиззах бўйича биргина "Доктор-А" хусусий клиникаси ишлаётганини, у ердагилар барча беморни қабул қилишаётганини айтди. Биз учиб-қўниб вилоят кутубхонаси ортидаги ўша клиникага етиб бордик.

Хусусий клиника ишлаётган экан. Унча-мунча навбат ҳам бор экан. Уролог бор-йўқлигини суриштирганимизда, Шавкат исмли битта терапевт шифокор борлигини, аммо у барча беморларни қабул қилиб, даволаётганини айтдики. Коронавирус тўғрисида биздан вариантлар қолмаган эди. Худого шўқр қилиб, навбат кутдик. Шавкат ака бизни яхши қўлиб олди. Касаллик тахлиллари олишимиз керак, деди. Демак, пахта ишлар экан, деяр хурсанд бўлдик. Салкам бир миллион сўмга тахлиллар топширдик. Тахлилларга асосан икки миллион сўм атрофида дори-дармон ёзиб берди. Дориларни уй шариоитида ичадиган, физиотерапевтик муолажани ўн беш кун давомида ҳар кун "Доктор-А"га келиб қабул қилайдиган бўлдик. Ўн беш кундан сўнг қайтадан беш юз минг сўмлик тахлиллар топширдик ва Шавкат ака айтдики, ўн беш

кунлик муолажадан беморга наф бўлмапти. Ва у киши аввал тайинлаган дори-дармонларини бекор қилиб, бошқаларини ёзиб берди...

Хуллас, шу тахлит уч ой "Доктор-А"га қатнадик. Шу давр мобайнида тўрт миллион сўмга тахлиллар топширдик. Ўн миллион сўмга дори-дармон сотиб олдик, яна бир қанча пуллик муолажалар қилдирик. Уч ойда йигирма миллион сарфлаб, тушуниб етдикки, меҳнатларимиз, харажатларимиз ҳавога учиб кетибди. Биз қатори "Доктор-А"га қатнаган бир кўшимиз: "Одатда, хусусий клиникаларда ҳар бир касалликнинг ўз мутахассис шифокори бўларди. Бу ерда эса барча турдаги касалларга битта шифокор қараркан", дея афсусланиб кетиб қолгандан сўнг биз ҳам нима қиларганимиз билмай турганимизда, қимдир виллоят тез тиббий ёрдам марказида Улмас исмли уролог борлигини айтиб қолди. Табиийки, у ерда ҳамон дарвозалар ёпиқ эди. Телефон қилган эдик, Улмаснинг ўзи чиқиб келиб, дарвоза олдидаги хусусий клиникада УТТга туширди, ҳолатни аниқлади ва бор-йўғи иккита арзонгина таблетка ёзиб берди. Шу билан биз бир йил давомида цистит асоратларидан қутулгандай бўлиб юрдик.

Биз касалликни алдамочки бўлдик, касаллик эса бизни аллади. 2021 йили Тошкентдаги хусусий клиникаларга бордик, фалон пулга текширидик, дори-лар ёзиб беришдик, фалон пулга қабул қилдик, аммо... 2022 йили келиб, сийдик қолида яра кучайиб кетди ва Зулайҳога ўз тавсиясини аввалгилардан зиёда ўтказиш керак, деди. Иштаха йўқолди, кечалари иситмалаб чиқадиган бўлди.

Кунларнинг бирида Улмас дўхтур "Новомедик" хусусий клиникасига боришимиз кераклигини таъкидлади. Жиззах виллояти бўйича энг замонавий урологик асбоб-уқунлар ўша ерда экан. Асбобларнинг айримлари хатто Ўзбекистонда ҳам ягона дейишди. Клиникада бизни уролог Шерзод Тўйчиевга қўлиб олди ва дарҳол беш юз минг сўмлик тахлит топширдик. Икки юз эллик минг сўмга цистокөпия қилдирик. Ва Улмас билан Шерзод сийдик қолидаги яраларни энг замонавий асбоблар ёрдамида кўйдирик, қоториш қаракан, деган қарорга келишдик. Муолажа икки ярим миллион сўм экан. Клиникада кунлик ётиш — икки юз эллик минг сўмдан... Биз ҳаммасига рози бўлдик. Шу ерда саратон тахлили учун махсулот олди, саратон касали шифохонаси ёнидаги хусусий лабораторияга жўнатишдик. Тахлил нархи 180 минг сўм экан. Тўладим. Икки кун давомида ҳаммадан яшириб, йилгадим. "Саратон" деса ёмон тавсир қиларкан-да. "Саратон йўқ", дея хулоса беришганда хурсанд бўлганларим-чи... Аммо хурсандчилигимиз ўн кунга ҳам чўзилмади. Куйдирилган яра такроран очилиб, Зулайҳо қон кетиш тавсирис билан виллоят тез тиббий ёрдамидаги реанимация бўлимига тушди. Икки кун давомида қон қўйишди ва кейин 3 сентябрда Тошкентдаги Республика иختисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказига олиб бориб етказдик. Ва "Новомедик"даги барча муолажалар, тахлиллар такроран амалга оширилди. Аммо... бу ер — Тошкент-да! Республика маркази. Ҳаммаси анча қиммат эди. Цистокөпия — 400 минг сўм. Ярани куйдириш — тўрт миллион сўм. Тахлиллар олиш ҳам Жиззахга нисбатан бир неча баравар қиммат экан. Яна... дори-дармон дегандай, бир ҳафтада ўн миллион сўмдан зиёд сарфладик. Биз харажатларга оғринганимиз йўқ. Тузатишса бўлди, дея айтганларини бажаравеганимиз. Бу ерда ҳам саратонга тахлил олиб, лабораторияга жўнатишди ва

бу ерда ҳам саратон масаласида хавотир-га ўрин йўқлигини айтдики. Шунингдек, шу ерда биринчи марта туберкулёзга текширтириш лозимлигини айтдики.

Мен туберкулёз масаласида қўл силқидим. Негаки, илгарилари ҳам муолажалар давомида Зулайҳонинг ўпкасини бир неча бор рентген қилдирган ва мутахассисларга текширтирган эдим. Ва туберкулёз мутахассислари ҳаммаси жойидалигини айтган эди. Шу сабабли... 2023 йили Зулайҳони касалликлар янада кўпроқ қийнай бошлади. Апрель ойида ўн кун виллоят эндокринология касалхонасида ётди. Мафтунжўжа исмли ёшгина шифокор муолажа қилди ва қон тарқибиде креатинин миқдори ошиб бораётганини, нефролог-мутахассисларга кўрсатиш лозимлигини айтди. Виллоят кўп тарқоқли шифохонасидаги бир нефрологга учрадик. Беш юз минг сўмга тахлиллар топширдик. Шу шифохонага ётқизмоқчи бўлишдик, аммо... шароитлар жуда ёмон эди. Саратон олов пурқаяпти, палаталар беш-олти кишилик. Ҳар бир беморнинг ёнида биттадан қаровчиса бор. Беморни зиёрат қилувчилар тинимсиз келаяпти. Хуллас, бу палатада соғ одам касал бўлади, касал эса... Бу ерда ётиб даволанишдан бош тортиб, кетаётган эдик, нефролог бизнинг асабимизни бузишга уринди: "Касалда саратон аломатлари бўлиши мумкин. Бориб, текширтиринлар". Биз эса энди бунақа муоламаларга кўникиб қолган эдик, парво қилмадик.

Июль ойида Зулайҳонинг аҳоли оғирлашди. Яна "Новомедик"га бордик. Шерзод Тўйчиевга учрадик. У биздан қутулиш учун нефрологга учрашимизни тавсия қилди.

— Виллоят бўйича ҳеч бир клиникада сиздака шариот йўқ, шу ерда даволанамиз, — дедим мен.

Шерзод Тўйчиев хонага кардиолог шифокорни чақириб, Зулайҳони даволаниши тахлил қилди. Урология жихатдан ўзим назорат қилман, дея таъкидлади. Барча айтган пуллик тахлилларни топширдик, дорилар билан таъминладик, палата учун тўлов қилдик. Тўрт кун ўтди ҳамки, Зулайҳонинг аҳоли ёмонлашиб бораверди. Эртаю кеч мен ҳам клиника атрофида айланиб юраман. Ҳеч ёққа кета олмаман. Асабим бузилди, аммо... Шу орада тенкур дўстларим — шоир-шифокор Мирза Даврон ва кўз доктори Ваҳоб Очиллов билан бирга тушлик қилдик. Улар мендан кўнгли сўрашди. Мен ёрилдим: "Юриглар, клиникага кириб, ҳеч бўлмаса, касаллик варақасини текширинлар, Зулайҳонинг аҳолини билиб бериңглар". Аниқ бўлдики, Зулайҳо клиникага ётқизилган кун олинган биохимик тахлилга кўра, креатинин миқдори 500 бирликка тенг бўлган экан. Тўрт кун давомида 430 га тушибди.

— Сиз шуни яхши ўзгариш даяпасизми? — сўради Ваҳоб Очиллов ёшгина кардиолог шифокорга тикилиб.

Кардиолог шифокор шошиб қолди. Юргунча, Шерзод Тўйчиевни топиб келди. Ҳарқалай, менинг дўстларим Жиззах виллоятида тахрибали, ноқозонган шифокорлар бўлгани учун Шерзод Тўйчиев ҳам ортиқча бир нарса дея олмади. Креатинин миқдори нега кўтарилиб кетгани бўйича ҳам хулосалар йўқ. Тўрт кун давомида УТТ қилишмаган эди. УТТда аниқландики, ташқарига чиқиб кета олмаган сийдик икки буйракни ўраб олган. Шу сабабли буйраклар эркин нафас оломай, ишишиб кетган. Сийдик қоплининг аҳоли ҳам шунча. Ярат қўлайиб, ишишиб, хуллас... бир соат ичиде буйраклар атрофидан уч литр сийдикни чиқариб олишди ва ўша кун кечгача Зулайҳонинг иситмаси тушди. Аҳоли бир қадар

яхшилانгандай бўлди. Кейин айтишдики, креатинин миқдори 600 га етса, одам қомага тушаркан, кейин... у ёғи... Яна уч кун ўтиб, креатинин 140 кўрсаткичга тушгани маълум бўлди.

Ва Шерзод бизни дарҳол касалхонасидан чиқариб юбормоқчи бўлди. Кутулай, деди шекилли-да! Аммо... биз кетмадик. Даволанишни истадик. Шерзод биздан безор бўлган эди. Сийдик ичагини узиб, бел қисмидан ташқарига чиқариб қўйиб, кейин сийдик қолидаги яраларни даволаб, ўн — йигирма кун ичиде ичакни яна эски жойига уласа бўлади, деди. Цистокөпия қилишни тақкиф этдик. Ҳисоб-китоб бўлимига борсам, 410 минг сўм тўлаш кераклигини айтдики.

— Нега? Цистокөпия 250 минг сўм эди-ку!

— Гепатитга ҳам тахлил топширишингиз керак. Агар беморда гепатит бўлса, цистокөпия қилаётган тиббиёт ходимларига юқиб қолиши мумкин.

— Бир ҳафтадан бери шу ерда ётиб даволаняпмиз. Агар гепатитимиз бўлса, тиббиёт ходимингизга аллақачон юқиб бўлди. Ҳимояланиш энди эсингизга келдими? Яхшиси, "ҳар бир имкониятдан пул ундиришимиз керак", деб қўя қолинглар...

Хуллас, асабим бузилди. Аразлаб, виллоят тез тиббий ёрдамдаги урологлар Бахтиёр ва Улмасга учрадик. Улар айтдиликки, сийдик йўли бир марта узилиб, ташқарига чиқарилса, кейин қайтадан эски жойига улаб бўлмайди. Устига-устак, қандли диабетли беморларда бунақа муолажа мутлақо мумкин эмас.

Кейин биз "Уромет" хусусий клиникасига мурожаат қилдик. Уролог Алижон Азимов 200 минг сўмлик тахлиллар олдирик. Барча арзимизни тинглади ва бевоқоф сийдик қоплининг ўзига шприц ёрдамида левомеколь мойини жўнатиб, ярани даволашга киришди. Тўғриси айтганда, хусусий клиникалар ичиде энг инсофлиси шу "Уромет" экан. Икки ой давомида яна бир неча бор тахлиллар топширдик, УТТга тушдик, аммо уролог Алижон ака пул талаб қилмади. Ва ниҳоят муолажалари бизга ёрдам бермаётганини тушуниб, Шерзод Тўйчиевга телефон қилиб, энг замонавий асбоб-уқунлар ундалигини, барча қафариқчиликларни унутиб, беморни қабул қилиш лозимлигини таъкидлади. Аммо... биз у ерга қайтиб боришни истамадик. Шерзоддан мутлақо кўнглимиз совиб бўлган эди. Тўғри, биз тушунардик: у ҳам бор-йўғи бир шифокор, клиникага пул ишлаб бериш учун тақкиф қилган, унинг ҳам бошқа илоҳи йўқ. Аммо... натижа ҳам керак-ку, ахир!

Сирасини айтганда, виллоятдаги барча урологияга алоқадор клиникалар, шифокорлар бизни курс қўл кўтарадиган, бир-бирига жўнатадиган вазиятга етиб келган эди. Ҳатто Улмас очикчасига: "Сизни эдик ҳам тирик қўриб турганимиздан гоётда хурсандман!" деса-да, парво қилмадик. Этимиз шу қадар ўлиб бўлган эди.

Октябрнинг ўрталарида Зулайҳони яна даволаш зарурати туғилди. Аммо... қаерга борамиз? Ногоҳ... умид пайдо бўлди: "Дибёр" номли анги урологик хусусий клиника очилибди. Ҳамма мақтаётган эмिश. Интернетдаги сайтдан шифокорнинг те-

лефон рақамини топиб беришдик. Телефон қилган эдим, шифокори кўтарди. Мен кейинги йиллар давомидаги сарсон-саргардонликларимизни тушунтирдим. Врач йигит ҳаммасини сабр билан тинглади ва деди:

— Ака, бизга келсангиз, биз ҳам шу тарзда пулингизни олиб, даволаймиз. Ҳаммаси вақтинча бўлади. Вақтни бой берманг. Сиз тезроқ туберкулёзга текширтиринг.

— Ўпка туберкулёзининг сийдик қолига нима алоқаси бор?

— Ўпканики эмас. Сийдик қоплининг ўзи ҳам туберкулёзга чалиниши мумкин. Виллоят туберкулёз касалхонасида Омон исмли уролог шифокор ўтиради. Айнан эсингиз масалангиз билан шуғулланай.

Бир йил бурун Республика иختисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказидагилар айтган тақкифга энди яна қайтган эдик. Тақкифнинг нима эканини энди тушуниб етдим ва зудлик билан харақатга тушдик. Омон бор-йўғи 33 минг сўмлик битта тахлит олдирик ва бизни Тошкентга, Республика иختисослаштирилган физиотрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказидаги шифокор, профессор, тиббиёт фанлари доктори Сарвар акага сарфарб қилди.

Биз тушуниб етдикки, аввал-бошдан шу ерга келишимиз керак экан. Афсуслики... "Нахотки?" — ҳайрон бўларди Сарвар ака, — Шерзод Тўйчиев ҳам, Бахтиёр Улмас ҳам, қўйингки, Жиззахдаги урологларнинг барчаси мени яхши билишди. Мен уларга семинарлар ўтказиб тураман. Биттаси ҳам менга жўнатишга уринмадики?"

Ҳамма бало шунда-да! Бемор шифокорга бордим, уни миқоз сифатида қабул қилишга ўтиб бўлдик. Яъни бемор — шифокор учун даромад манбаи! Майли, бунисига розимиз. Аммо... ишини битириш учун бирова пул берсан-ку, ахир! Ва... Аваз Охуннинг гапи такрор-такрор ёдга тушаверади: "Бизда касалхоналар кўпайиб кетди, шифохоналар эса йўқ!"

Сарвар ака инсофли экан. Эски тахлиллар асосида муолажани бошлайвериши мумкинлигини айтди. Аммо биз барчасини янгилаган маъқул, деган тўхтама қелдик. Ётиб даволаниш учун пул тўламоқчи эдик, кўнмади. Ўзи электрон ҳужжат тўлдирди, интернет орқали Зардоб туманидаги шифохонага жўнатиб, электрон ордер олдирик.

Қирқ кунки, биз шу ердამиз.

Кўз тегмасин, ўзгаришлар жуда катта. Тўғриси, мақтанишга ҳам қўрқасан. Ҳар бир ишинг охири хайри бўлсин, деганлари гоётда ҳижматли гап экан.

Баъзан бировлар: "Ўзинг ётиб, ўзинг турпасанми?" дея сўрашди. Ўйласанг, тағдида жуда катта маъно бор.

Сарвар ака буғун-эрта бизга жавоб бермоқчи. Айтишчи, Жиззахга тез-тез келиб, урологларга маъруза ўқиб тураркан. Агар зарурат бўлса, уйимизгача келиб, беморнинг аҳолидан хабар олишга эринамсизми.

Ҳар бир бемор — Сарвар ака учун битта илмий иш. Беморни даволай олгани — илмий ишининг натижаси. Ҳамма нарса натижалар билан ўлчанади.

Бу дунёнинг устунлари — яхши одамлар, яхши шифокорлар! Улар бор бўлишин! "Дибёр" хусусий клиникасидаги шифокорнинг қимлигини билмайман. Учратмаганман. У менга телефон воситасида йўл кўрсатди. Сил касалликлар шифохонасидаги уролог Омон бошқарди ва биз профессор Сарвар ака қўлида шифо топяимиз. Тиббиётимиз эса... йиллар давомида шифо истаб тентираган биз каби охири керакли ўзига тушиб олишига имонидин келадди.

Умид, барибир, яхши нарса-да!

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ («Халқ сўзи»)

# ЮНЕСКОДА ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА ВА РАҚС САНЪАТИ ТАҚДИМОТИ

ЮНЕСКОнинг Парижда қарорғоҳида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишланган "Биз биргамиз" концерт дастури бўлиб ўтди.

Тадбирда ТУРКСОЙ раҳбарияти ва ташкилотга аъзо давлатлар, шунингдек, ЮНЕСКО мутасаддилари ва ходимлари, хорижий давлатлар элчилари, Франция ишбилармон ва илмий доира вакиллари, маданият арбоблари, фаол ватандошлар қатнашди.

### Биз ва жаҳон

Маданий анжуманнинг фахрий меҳмонлари сифатида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бош қотиби Кубаничбек Омуралiev, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Симона-Мирела Микулеску, ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Антонио Охеменг-Боама, ТУРКСОЙ бош қотибининг ўринбосари Сайит Юсуф иштирок этди.

Концерт дастури аввалида ЮНЕСКО қотибияти ва ТУРКСОЙ вакиллари сўзга чиқиб, иштирокчиларни қутлашди. Улар, шунингдек, Ўзбекистоннинг туркий дунёда, жумладан, ТУРКСОЙ фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини юқори баҳолашди.

Гала-концертда Ўзбекистон санъат усталари томонидан ижро этилган миллий куй ва кўшаклар барчада унутилмас таассурот қолдирик.

**Антонио Охеменг-Боама, ЮНЕСКО бош директорининг ташки алоқалар бўйича ўринбосари:**

— Бугун ЮНЕСКО бош қарорғоҳида ТУРКСОЙ ташкил топганининг 30 йиллигини кенг нишонладик. Ушбу маданий тадбир ташкилот учун жуда муҳим воқеа. Маданият ва санъат давлатлар ўртасида тинч ҳамда



дўстона муносабатларни ўрнатиш учун кўприқдир. Тақдим этилган концерт дастури Франция жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. ТУРКСОЙга аъзо давлатлар, хусусан, Ўзбекистон халқининг маданияти ва музикаси барчамизда унутилмас

таассурот қолдирик. Ушбу қадриятлар дунё халқлари ва мамлакатлари ўртасида тинчлик ва дўстлик гоёларини кенг ёйишга хизмат қилади.

**Кубаничбек Омуралiev, Туркий давлатлар ташкилоти бош қотиби:**

— Бу йил ташкилотга аъзо барча мамлакатларда ТУРКСОЙ ташкил этилганининг 30 йиллиги кенг нишонланди. ТУРКСОЙни туркий давлатларнинг ЮНЕСКОси дейиш мумкин. Бугун Парижда дипломатик корпус, диаспора ва маҳаллий жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган концертда мамлакатларимиз санъат усталари биргаликда ўз маданий дастурларини намойиш этишди. Ўйлаيمانки, биз бутун дунёга туркий маданият олами бой тарихга эга эканлигини кўрсата олдик. "Бирлик — бизнинг кучимиз" — умумий шiorимиз.

**Сайит Юсуф, ТУРКСОЙ бош қотибининг ўринбосари:**

— ТУРКСОЙ 1993 йилдан буён буюк тур-

кий маданиятни дунёга кенг тарғиб этишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу йил ташкилот ташкил топганининг 30 йиллиги муносабати билан ТУРКСОЙга аъзо барча давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Мамлакатингиз, шубҳасиз, ташкилотда ҳаммиса алоҳида ва муҳим ўринни эгаллаб келган. Чунки Ўзбекистон Туркистоннинг ва бутун туркий дунёнинг қоқ марказида жойлашган. Ўзбекистоннинг ноёб маданий мероси ва инсоний салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда туркий дунёнинг "флагмани" дейиш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ТУРКСОЙ фаолиятидаги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштирди ва бу орқали туркий дунёнинг бирлиги ҳамда ахлитолигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ушбу сый-харақатлар учун ТУРКСОЙ номидан Ўзбекистон Президентига чўқур миннатдорлик билдираимиз.

«Дунё» АА, Париж

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоис келишилган нарҳда.

Газетаник ҳақидики маълумотларни оқлаб олиш учун QR-кодники телефонингиз орқали сканер қилиңг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислмо Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Музаҳҳиқ — Ш. Машраббоев.

Тахририят